

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

The journal cover features the title in English and Russian, along with the ISSN number 2161-7750 and a small logo.

THE PARTICIPATION OF BUKHARIANS IN THE SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT OF SAUDI ARABIA

Bobir Mamarajabov

senior lecturer

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Denov, Uzbekistan

E-mail: bmamarajabov@dtpi.uz

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukharian community, saudi arabia, socio-political development, cultural heritage, historical migration, economic activity, cultural exchange, integration, central asia, social adaptation, education, trade, cultural identity, socio-political landscape, historical records, oral histories, contemporary studies, multifaceted role, challenges and opportunities, social dynamics

Received: 07.03.25

Accepted: 09.03.25

Published: 11.03.25

Abstract: The Bukharian community, with its rich cultural and historical heritage, has played a significant role in the socio-political development of Saudi Arabia. Originating from the historic region of Bukhara in Central Asia, the Bukharans have contributed to various aspects of Saudi society, including trade, education, and cultural exchange. Their integration into Saudi Arabia's socio-political fabric has been marked by their active participation in economic activities, as well as their efforts to preserve and promote their unique cultural identity while adapting to the local environment. This paper explores the historical migration patterns of the Bukharian community to Saudi Arabia, their contributions to the country's socio-political landscape, and the challenges and opportunities they have faced in their pursuit of integration and development. Through an analysis of historical records, oral histories, and contemporary accounts, this study aims to shed light on the multifaceted role of the Bukharian community in shaping the socio-political dynamics of Saudi Arabia.

БУХОРИЙЛАРНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ИШТИРОКИ

Бобир Мамаражабов

китта ўқитувчиси

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

Денов, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро жамоаси, Саудия Арабистони, Ижтимоий-сиёсий ривожланиш, Маданий мерос, Тарихий миграция, Иктисадий фаолият, Маданий алмашув, Интеграция, Марказий Осиё, Ижтимоий мослашув, Таълим, Савдо, Маданий идентитет, Ижтимоий-сиёсий ландшафт, Тарихий хужжатлар, Оғзаки тарихлар, Замонавий тадқиқотлар, Кўп қиррали рол, Қийинчилик ва имкониятлар, Ижтимоий динамика.

Аннотация: Бухорийлар жамоаси, ўзининг бой маданий ва тарихий мероси билан, Саудия Арабистонининг ижтимоий-сиёсий ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Марказий Осиёнинг Бухоро тарихий вилоятидан келиб чиқсан бухорийлар Саудия жамиятининг савдо, таълим ва маданий алмашинув каби турли соҳаларига ўз ҳиссасини қўшган. Улар Саудия Арабистонининг ижтимоий-сиёсий тизимига интеграцияси давомида иктисадий фаолиятда фаол иштирок этишлари, шунингдек, маҳаллий муҳитга мослашиш билан бирга ўзларининг ноёб маданий идентитетини сақлаш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилишлари билан ажralиб турган. Ушбу мақола Бухорийлар жамоасининг Саудия Арабистонига тарихий миграция йўналишлари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ландшафтига қўшган ҳиссаси, шунингдек, уларнинг интеграция ва ривожланиш йўлида дуч келган қийинчиликлар ва имкониятларини ўрганади. Тарихий хужжатлар, оғзаки тарихлар ва замонавий манбалар таҳлили орқали бу тадқиқот Бухорийлар жамоасининг Саудия Арабистонининг ижтимоий-сиёсий динамикасини шакллантиришдаги кўп қиррали ролини очиб беришга интилади.

УЧАСТИЕ БУХАРЦЕВ В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ САУДОВСКОЙ АРАВИИ

Бабир Мамараджабов

старший преподаватель

*Институт предпринимательства и педагогики им. Денова
Денау, Узбекистан*

E-mail: btamarajabov@dtpi.uz

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухарская община, Саудовская Аравия, Социально-политическое развитие, Культурное наследие, Историческая миграция, Экономическая деятельность, Культурный обмен, Интеграция, Центральная Азия, Социальная адаптация, Образование, Торговля, Культурная идентичность,

Аннотация: Бухарская община, обладающая богатым культурным и историческим наследием, сыграла значительную роль в социально-политическом развитии Саудовской Аравии. Выходцы из исторического региона Бухара в Центральной Азии внесли вклад в различные аспекты саудовского

Социально-политический ландшафт, Исторические документы, Устные истории, Современные исследования, Многогранная роль, Вызовы и возможности, Социальная динамика

общества, включая торговлю, образование и культурный обмен. Их интеграция в социально-политическую структуру Саудовской Аравии была отмечена активным участием в экономической деятельности, а также усилиями по сохранению и продвижению своей уникальной культурной идентичности, адаптируясь к местной среде. В данной статье исследуются исторические модели миграции бухарской общины в Саудовскую Аравию, их вклад в социально-политический ландшафт страны, а также вызовы и возможности, с которыми они столкнулись в процессе интеграции и развития. На основе анализа исторических документов, устных историй и современных источников это исследование стремится осветить многогранную роль бухарской общины в формировании социально-политической динамики Саудовской Аравии.

Кириш: Ўрта Осиё халқлари XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида минтақа ҳаётида содир бўлган оғир ижтимоий сиёсий ва мафқӯравий жараёнлар таъсирида оммавий миграциянинг бир нечта тўлқинини бошдан кечирган. Натижада, минтақа халқлари ўзларига тил ва маданият жиҳатдан яқин бўлган Афғонистон, Эрон, Шимолий Хиндистонга ва бу ҳудудлар орқали Туркия, Арабистон яримороли, Миср ва кейинчалик маданий жиҳатдан мутлоқ бегона бўлган Европа ва АҚШга бориб жойлашган.

Ижтимоий ва сиёсий босим ёки турли айбловлар натижасида ўз ватанини тарк этган минтақа мигрантларининг мураккаб миграция тарихи афсуски узоқ йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келди. Бу масала қанчалик мухим бўлмасин, совет тарихшунослари ундан қочишиди. Совет Иттифоқида тарихчилар олдига ўрта осиёликлар аслида мансуб бўлган ва айни вақтда уни атрофини ўраб турган, турк дунёси, мусулмон дунёси ва форс ареасидан ташқарида “Совет Ўрта Осиёси” деб номланган янги тарихий-маданий макон қиёфасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Ташвиқ қилинаётган бу сунъий маданий макон Амударё бўйи ва Туркман чўли узра курилган бўлиб унда ўтиб бўлмайдиган сиёсий чегара ҳамда бу чегара билан боғлиқ институтлар ва академик тушунчалар мажмуаси яратилди. Совет Ўрта Осиёсидан эмиграцияни ўрганиш илмий тадқиқот мавзуси эмас, балки СССРдан кўчиб кетган Совет тузумининг мухолифлари, таъсирини йўқ қилиш керак бўлган аксилинқилобчилар, сифатида баҳоланган сиёсий тарих эди [1].

Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири шундай бўлдики, улар яшаётган ҳудудлар қарама-қарши сиёсий йўналишдаги давлатлар – собиқ СССР, Афғонистон, Эрон, Хитой,

Покистон ва Яқин Шарқ миңтақасидаги республикаларга айланиб қолди. Марказий Осиёликлар хусусан ўзбеклар учун кейинги ватан бўлган миңтақалардан бири Яқин Шарқ худудидир. Тарихдан маълумки бу икки миңтақа бир бири билан ислом дини ришталари орқали боғланган, тарихнинг маълум даврларида улар ягона салтанатлар остида бирлашган. Мазкур мақолада Яқин Шарқнинг қадимий марказларидан бири бўлган Шом ўлкаси – Суриядаги хусусан пойтахт Дамашқдаги ўзбеклар жамоасининг шаклланиш тарихи ўрганилган.

Сурия Араб Республикасида 2014 йилга қадар асли Ўзбекистон заминидан бўлган бир неча минг ўзбеклар истиқомат қилганлиги ҳақида маълумот бор. Улар Сурияning тараққиёти, равнақи ва яхлитлигини таъминлашда фаол иштирок этган. Улар орасидан шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, давлат хизматчилари, ҳарбийлар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар етишиб чиқган. Буларнинг барчаси Сурияга турли тарихий даврларда келган аждодларнинг авлодлариdir[2].

Адабиётлар таҳлили ва методология: Мавзу тарихшунослигига доир изланишлар натижасида республикада Ўзбекистон энг янги тарихининг Араб давлатларида ўрганилишига доир алоҳида тадқиқотлар ҳали яратилмаганлиги маълум бўлди. Мавзуга оид алоҳида тадқиқотлар бўлмаса-да, республикадаги бир қанча шарқшунос-арабшунослар Ўзбекистон ва Араб мамлакатлари ҳамкорлик алоқаларига оид тадқиқотлар доирасида Араб давлатларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумот берувчи манбаларга тўхталиб ўтган. Хусусан, М.Муҳаммадсiddиконнинг илмий ишида Марказий Осиё ва Араб давлатлари ҳамкорлик алоқаларига доир Саудия Арабистони ҳамда Мисрда бўлиб ўтган ўнга яқин ҳалқаро конференцияларнинг материаллари, Республикадаги ислоҳотларни давомий ёритиб бораётган етакчи газета, журналлар ҳақида маълумотларни учратиш мумкин бўлса, З.Мунавваровнинг илмий ишларида республикадаги тарихий жараёнларнинг ёритилишига оид фундаментал тадқиқотлар ҳақида маълумот олиш мумкин, ушбу олимнинг тадқиқотлари билан танишиш натижасида Мисрдаги “Осиё тадқиқотлари маркази”, Саудия Арабистони “Қирол Файсал номидаги ислом тадқиқотлари маркази”да Ўзбекистонга оид олиб борилаётган изланишларининг натижалари ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, Ш.Ёвқочев, Р.Абдулмажидов, Д.Мадаминова, М.Турсунов сингари олимларнинг тадқиқотларида ҳам араб тилидаги манбаларда Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ёритилиши ҳақида айрим мулоҳазалар учрайди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини Араб давлатларида ёритилиши бўйича ўзбекистонлик олим Муҳаммад ал-Бухори музалифлигига 2009 йилдан бери фаолият олиб бораётган “muhammad-2010.blogspot.com” номли саҳифани (блог) ҳам катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин. У ўзининг мазкур саҳифасида Ўзбекистоннинг ички ва ташки

сиёсати, ижтимоий-маданий ҳаётидаги муҳим воқеалар, эришилаётган иқтисодий ютуқлар ҳамда Ўзбекистон ва Араб давлатлари ўртасидаги турли келишувларнинг шарҳини араб тилида ёритади, Араб давлатларидағи олимларининг Ўзбекистонга оид тадқиқотлари ҳакида доимий маълумотлар бериб боради. Шу нуктаи назардан, Мұхаммад ал-Бухорийнинг мазкур саҳифасини Ўзбекистоннинг энг янги тарихини Араб давлатларида ўрганилиши бўйича муҳим манбаа сифатида баҳолаш мумкин. Мақола фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда тарихийлик тамойили, дискурс ва контент таҳлил ҳамда давраштириш, тизимлаштириш усусларидан фойдаланилган.

Мұхокама ва натижалар: Дастлабки ўзбек бухорийларининг Шом ўлкасига қачон келганлиги тўғрисида ишончли манбаалар йўқ. Бироқ шуниси аниқ-ки, XX асрнинг бошида Ўрта Осиёда кузатилган миграция оқими натижасида Яқин Шарқ худудлариға келиб қолган ўзбек ватандошларидан аввалроқ ҳам бу ерларда ўзбеклар яшаган. Тарихий манбалар ўзбекларнинг Дамашқда милодий XVII асрдан буён истиқомат қилғанликларини кўрсатади. Шундай манбалардан бири араб ва ислом меъморчилигининг тарихи бўйича мутахассис Имод ал-Армаший томонидан тайёрланган Дамашқдаги усмонли масжидлари ҳақидаги тадқиқотдир[3].

Мазкур тадқиқотда 1696 йилда қурилган Мурод бин Али бин Довуд бин Камолиддин бин Солиҳ бин Мұхаммад ал-Бухорий ан-Нақшбандий томонидан барпо этилган Муродий масжиди ҳақида маълумот берган. Муродий масжиди 1899 йилда “Муроди Текке” ва “Нақшбандия масжиди” номи билан танилган исломий вақф бўлиб, Саружа бозори туманидаги Ал-Вард маҳалласида, Дамашқнинг эски шаҳри деворларидан ташқарида жойлашган. Унинг деворида “Мұхаммад Мурод ал-Муродий томонидан хижрий 1108 йилда қурдирилган Муродий масжиди” деб ёзилган мармар лавҳа осилган.

Муродий масжидининг ўзбекларга тегишли эканлигига исботи шуки, XX аср бошида Усмонийлар империяси томонидан Бухорий номи берилгунга қадар, Ўрта Осиё худудларидан Шом ўлкасига бориб қолганлар Шайх Мурод бин Али бин Довуд бин Камолиддин бин Солиҳ бин Мұхаммад ал-Бухорий ал-Нақшбандийга нисбатан “Нақшбандийлар” ёки кўпинча “Муродийлар” номи остида бирлаштирилган. XVII-XVIII асрларда Усмонийлар ҳукумати Дамашқдаги фатво уйи бошқарувини Муродийларга топширганлиги тўғрисида ўша давр хужжатларида ёзиб қолдирилган. Улар Шом муфтийси лавозимини жамият аъзолари орасида навбатма-навбат эгаллашни бошлаган. Шунингдек, уларга Қуддусда фатво бериш ваколати ҳам берилган бўлиб, 1731 йилда у ерда Нақшбандия зовиясини ташкил этган ва бу зовия ҳозирги кунда Бухорий зовияси номи билан танилган[4].

Масжид ва мактаб майдон, намозгоҳ ва қабристонни ўз ичига олади. Майдон мозаикали бўлиб, унинг шимоли-гарбий чеккасида диний фанлар билан шуғулланувчилик учун еттига хона ажратилган. Кейинчалик уларда 1920 йилларнинг бошларида Бухоро амирлигидан келган қочқинлар яшаган. Бу ерда Бухоро амири зарбхонасининг сўнгти бошлиғи Шайх Мусоҳўжа бошчилигига бухороликларнинг хайрия жамияти учун хона ҳам бўлган. Бу ер Бухородан келганларнинг ўзига хос учрашув манзилига ҳам айланган[5].

Шу ўринда, XX асрга қадар бўлган даврда ўзбеклар қандай мақсадда ҳозирги Суря худудларига келиб қолганлиги масаласи аҳамиятлидир. Маълумотларга кўра, ўзбеклар муқаддас жой ҳисобланган Шом Шарифга таълим олиш мақсадида келиб, Дамашқ шахрида ўрнашиб қолган, уларнинг орасида Дамашқ шахри аҳолиси билан тенг имкониятларга эга бўлган мактаблар ташкил этган ерик тадбиркорлар ва олимлар ҳам бўлган. Ўзбеклар учун қурилган мактабларнинг сўнгиси XX аср ўрталарида ёпилган. Унинг битирувчилири орасида замонавий Суря тарихининг кўплаб ёрқин арбоблари бор. Мактаб бузилгандан сўнг, унинг ўрнида Дамашқнинг Шўра туманида машхур бўлган ал-Афром масжиди қурилган. Муҳожирлар орасида Ҳаж зиёратига бораётган зиёратчиларага хизмат кўрсатиш учун Дамашққа келганлар ҳам бўлган. Дамашқда улар масжид ва уй-жойлар қурдилар, уларнинг баъзилари бизнинг давримизгача сақланиб қолган[6].

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин Ўзбекистондан хижрат қилганларнинг маълум бир қисми Дамашққа келишган ва улар шартли равища Дамашқдаги ўзбекларнинг янги, алоҳида бир гурухи сифатида, шакилланган, улар биз юқорида эслатиб ўтган ўзбек бухорийларига алоқадор эмас.

XX асрда келган муҳожирлар орасида Қўқон хони Худоёрхон оиласи билан шунингдек Бухоро амирлигидан амирлик хонадони вакиллари ва бошқа бир қатор нуфузли оилаларнинг вакиллари жумладан, Бухоро амирлиги армиясининг кўзга кўринган арбоблари, офицер ва аскарлари бор эди. Уларнинг авлодлари ҳозирги кунга қадар Дамашқда яшайдилар.

Дамашқга келиб жойлашган савдогар ва ҳунармандлар ал-Майдон воҳасида Бухоро маҳалласини барпо этдилар. Ҳозирги кунда бу маҳалладан ҳеч нарса қолмаган. Муҳожирлар Дамашқ шахрининг бошқа маҳаллаларида ҳам истиқомат қилишган: ал-Азбакия, ал-Муҳожирин, Қосюн тоғидаги ан-Набаа, ас-Солиҳия, Суқсаружа, ал-Майдон ва ал-Қадам ҳамда қадимги Такия ал-Муродия кабиларда яшаб келишган. Улар Дамашқнинг ал-Муҳожирин, ас-Солиҳия, Суқсаружа ва ал-Майдон худудларида савдо дўйонлари ва ҳунармандчилик устахоналарини очдилар. Бу гурух муҳожирлари орасидан ҳам кейинчалик Сурияниг замонавий тарихида катта из қолдирган ва ҳисса қўшган жамоат арбоблари этишиб чиқган. Уларнинг баъзилари ҳақида қўйида маълумотлар тақдим қиласиз.

1962 йил 1 июлда Дамашқда вафот этган **Насухий ал-Бухорий** у Сурия бош вазир лавозимини эгаллаган ҳарбий қўмондон сифатида таниқлидир. Насухий ал-Бухорий 1919 йилда Дамашқнинг нуфузли оиласаридан бирининг қизига уйланган ва шу орқали катта сиёсий доираларга кўшилган. Насухий ал-Бухорий Истанбулдаги Усмонли ҳарбий мактабини ҳамда штаб мактабини тугатиб, “раис” ҳарбий унвонини олган. Ҳарбий қўмондон сифатида у Болқон уруши ва Биринчи жаҳон урушида қатнашган, асирга олиниб, Сибирга юборилган ва у ерда тўққиз ой қолган. Қочиб қутулгач, 1916 йил бошида Усмонли давлатига қайтиб келган. Кейин полковник унвонида Кавказ урушида иштирок этган. Газодаги жангда у Усмонли армияси Суриядан чиқиб кетгунга қадар еттинчи армияга қўмондонлик қилган. Қирол Файсал I ҳукмронлиги даврида у генерал унвони билан Ҳалаб шахрида армияга раҳбарлик қилган. Сўнгра иккинчи ҳарбий кенгаш девони раиси этиб тайинланган. Кейинчалик у ҳарбий ишлар бўйича директор этиб тайинланди ва 1921 йил охиригacha бу лавозимда ишлади. Президент Ҳошим ал-Аттазий бошқаруви даврида 1939 йил 6 апрелда бош вазир лавозимига тайинланди. Ўша йилнинг июлигача бу лавозимда ишлаган ва француздар у билан имзолаган битим шартларини бажармаганлиги сабабли истеъфога чиқкан. Турли йилларда у бир қатор вазирликларда - ички ишлар, мудофаа, маориф вазирлигида вазир лавозимларида ишлаган[7].

Суриядаги ўзбек диаспорасининг яна бир машҳур арбоби Бурҳон Бухорий бўлиб у 2010 йил апрелда ойида Дамашқда вафот этган. Бурҳоннинг ота-онаси Фарғона водийсидан хижрат қилганлар. Онаси Андижонда, отаси Марғilonда туғилган. Сурияга хижрат қилиб келаганларидан сўнга, 1941 йилда Бурҳон Бухорий туғилган. У Дамашқдаги турли мактабларда таҳсил олган, пойтахт университетида фалсафа ва инглиз тилини ўрганган, тарихий рисолалар ва энциклопедиялар кўринишидаги улкан ёзма мерос қолдирган. У араб тилидан дунёнинг бошқа олти тилига компьютер орқали таржима қилиш дастурини яратди. Унинг кўплаб лойиҳалари ҳали ҳам амалга оширилишини кутмоқда ва улар катта резонанс ва ҳурматга сазовор бўлишига ишонилади[8].

Бурҳон Бухорий ўқитувчилик билан шуғулланиб, мактабларда болаларни ўқитишнинг бир қанча усул ва воситалари, замонавий тил билан айтганда, ноёб технологиялар яратувчиси бўлган. У 1970 йиллар бошида Сурияда катталар ўртасида саводсизликни йўқ қилиш бўйича ўз лойиҳасини яратди. Бу лойиҳаси билан у Сурия ва Ливан қишлоқларига, шунингдек, Фаластин қочқинлар лагерларига бир қанча саёҳатлар уюштириди. Бу лойиҳада иштирок этар экан, у ўз дарсликларини текинга тарқатган ва Дамашқдаги “Ал-Баас” газетасида саводсизликни бартараф этиш бўйича бир қанча мақолалар чоп этган. Шунингдек, у чет элликларга араб тилини, арабларга эса чет тилларини ўргатиш усулларини ишлаб чиқди.

1979 йилда Бурхон Бухорий Ибн Синонинг минг йиллик юбилейида иштирок этиш учун хориждаги ватандошлар билан маданий алоқалар жамияти - “Ватан”нинг таклифига биноан Ўзбекистон пойтахти Тошкентга келади. Бу таклиф Бурхоннинг ўз ватанидаги илмий фаолиятининг бошланиши бўлди ва у илк бор ўзбек тилидан араб тилига бевосита бадиий матнларни таржима қила бошлади. Бу ташриф Бурхоннинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан бир неча ой давом этган бевосита ҳамкорлик ташрифига айланди. У илк ўзбекча-арабча ва арабча-ўзбекча луғатларни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқди. Ўзбек тилининг мазмун-моҳияти, араб тили билан тарихий боғлиқлиги ҳақида қатор маъruzалар ўқиб, фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Дамашққа қайтгач, Дамашқдаги ўзбеклар ҳаётига бағишлиланган илмий ва адабий лойиҳани бошлади. Лекин Бурхон Бухорий уни яқунлай олмади, лойиҳанинг фақат кўлёзмаси қолган[9].

Бурхон Бухорий ортда улкан ёзма мерос, тарихга оид китоблар ва кўплаб турли энциклопедияларни ўз ичига олган улкан кутубхона қолдирди. У беш минг китобдан иборат, лекин афсуски, унинг кўплаб адабий асарлари, саводхонликка оид китоблари йўқолган. Унинг илмий мавқеи 1983 йилда Қувайт университетида мутахассис сифатида ишлаганида, араб фонетикаси бўйича тадқиқотларни ривожлантиришга ёрдам берганида мустаҳкамланди.

1984 йилдан 1986 йилгacha у Европа тадқиқот марказлари ва университетларида бўлди, “Компьютер таржимаси” мавзусидаги бир қатор конференция ва халқaro кўргазмаларда қатнашди.

У шунингдек, хитой ва япон тилларидан ташқари дунёning барча тилларига (шу жумладан ўзбек тилларига) бир зумда таржима қила оладиган “Олий тил” (суперлингво) назарияси номи билан машҳур бўлган компьютер таржимаси назариясининг асосини яратди. Бундан ташқари, у бутун дунё алифболаридаги матнларни териш учун фойдаланиладиган компьютер клавиатурасини яратди. Кейинчалик Британиянинг Mono Турек омпанияси ушбу клавиатуруни оммавий ишлаб чиқаришни бошлади ва у ал-Бухорий клавиатураси деб номланди.

Бурхон Бухорий 1986 йилда Сурияга қайтиб келди ва “Компьютерда араб ва ислом меросини ёзиш” номли улкан лойиҳани бошлади. Бу лойиҳа асосан ўнта энциклопедиядан иборат. Улардан энг муҳими ва аҳамиятлиси Пайғамбаримиз ҳадислари қомусидир. У юздан ортиқ жиллардан иборат. Ҳозирча фақат биринчи жилди нашр этилган, қолганлари эса нашрни кутмоқда.

Бурхон Бухорийнинг йирик асарлари қаторида Бирлашган Араб Амирликларидағи Абу-Даби академияси билан яқин ҳамкорликда тайёрланган “Низор Қаббоний”

энциклопедияси – исломгача бўлган даврлардан то ҳозирги кунгача шоирлар шеърларидан иборат қомусни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бурхон Бухорий адабий танқид билан фаол шуғулланган, хикоялар, романлар, шеърлар, театр спектакллари ёзган. У газета ва журналларда кўп ёзган, радио ва телевидениеда чиқиш қилган истеъодли журналист сифатида ҳам танилган. Бундан ташқари, у бир қатор кино сценарийлари ва театр спектакллари муаллифи. 1995 йилдан бери Дамашқда чиқадиган “Тишрин” газетасида ҳафталик мақолалар чоп этиб келди. У “Ас-Саура” газетасига ҳам бир қанча мақолалар ёзган. 2002–2007 йилларда унинг мақолалари муаллиф томонидан билдирилган фикрларнинг ғоявий ва илмий дадиллиги туфайли катта жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Улар орасида дунёнинг қатор давлатлари раҳбарларига йўлланган бир қанча мактублар, жумладан, АҚШ президенти Билл Клинтонга йўлланган очик хат ҳам бор. Бурхон Бухорийнинг ўғли Эрфаннинг айтишича, отаси дунё ўзгаришларини бошқалардан кўра таҳлил қилишда ўзига хос қобилиятга эга бўлган ва у 1996 йилда “Тишрин” газетасида чоп этилган мақоласида биринчилардан бўлиб “исломофобия” атамасини қўллаган, яъни бу атама оммалашиб кетишига сабаб бўлган 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан 5 йил олдин.

Биз Бурхон Бухорий сингари Сурия ижтимоий сиёсий ҳамда маданий ҳаётига катта ҳисса қўшган яна ўнлаб ўзбек буҳорийлари – ватандошларимиз борлигини фаҳр билан эътироф этишимиз мумкин.

Хуласа шундаки, ўзбек миллатининг тарихини, уларнинг инсоният хусусан ислом уммати равнақи йўлидаги хизматларини у ҳозирда кенга тарқалиб титул миллат сифатида яшаётган икки дарё оралиғи билан чеклаш мумкин эмас, уни кенгроқ худудлардан, хусусан Яқин Шарқ бўйлаб ҳам тадқиқ қилиш янада кўпроқ тарихий ҳақиатларни аниқлаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Zevelev A. I., I. A. Poliakov, and A. I. Chugunov. Basmachestvo: vozniknovenie, sushnost', krakh. Moscow: Nauka, 1981.
2. صفحات من تاريخ الجالية الأوزبكية في الجمهورية العربية السورية (طشقند – 2014) أ.د. محمد البخاري.
3. د. محمد أسعد طلس: ذيل ثمار المقادص في ذكر المساجد.
4. د. أكرم حسن العليبي: خطط دمشق دراسة تاريخية شاملة.
5. عmad al-arrashi: المساجد العثمانية في دمشق. مسجد المرادي. منتدى ياسمين الشام <http://yasmin-alsham.com/dmasmap/>
6. آثار تاریخیة بناها البحاریة الأوزبک فی دمشق <https://albukhari.com/2022/10/05/>
7. غم ناصر: رحیل المفکر الموسوعی برہان بخاری. //الریاض: الجزیرة من دمشق 2/5/4 ائل یوسف: الباحث والكاتب الصحفي برہان بخاری: نعاني من مسألتين عدم الدقة في المصطلح وتغريغه من مضمونيه
8. فليس عندنا تعاريف للديمقراطية والحداثة والعلمة والثقافة. // صحيفة أفق الإلكترونية، 200/4/1
9. صفحات من تاريخ الجالية الأوزبكية في الجمهورية العربية السورية (طشقند – 2014) أ.د. محمد البخاري.